

12-1-2018

## THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION

I. Choriev

*Tashkent Financial institute*

A. Mamatqulov

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Choriev, I. and Mamatqulov, A. (2018) "THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 12.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**Чориев И.Ҳ. – ТМИ, катта ўқитувчи**  
**Маматқулов А. – ТМИ, талаба**

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РИВОЖИНИНГ АҲОЛИ ТАБАҚАЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

Мақолада республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилиб, унинг аҳоли табақаланишига таъсири математик-статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган

**Таянч сўзлар:** Ялпи ички маҳсулот, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, истеъмол бозори, товарлар ва хизматлар бозори, эркин рақобат, мамлакат экспорт салоҳияти, маҳаллийлаштириш, аҳоли табақаланиши даражаси, Жини коэффициенти, корреляцион-регрессион таҳлил, дисперсия, ўртача квадратик миқдор, аппроксимация.

В данной статье рассматривается значение развития малого бизнеса и частного предпринимательства в социально-экономическом развитии страны, анализируется его влияние на степень расслоения общества с помощью математико-статистических методов.

**Ключевые слова:** валовый внутренний продукт, малый бизнес, частное предпринимательство, семейный бизнес, потребительский рынок, рынок товаров и услуг, свободная конкуренция, экспортный потенциал страны, локализация, степень расслоения общества, коэффициент Джини, корреляционно-регрессионный анализ, дисперсия, среднее квадратическое (квадратичное), аппроксимация.

This article examines the importance of the development of small business and private entrepreneurship in the socio-economic development of the country, analyzes its influence on the degree of stratification of society using mathematical and statistical methods.

**Keywords:** gross domestic product, small business, private entrepreneurship, family business, consumer market, goods and services market, free competition, export potential of a country, localization, social stratification, Gini coefficient, correlation and regression analysis, variance, average quadratic (quadratic), approximation.

### **Кириш**

Бугунги кунда кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучга айланди. Унинг кейинги йилларда ЯИМдаги улшининг барқарор ошиб бориши ушбу фикрни тасдиқлайди.

Давлатимиз иқтисодий сиёсатининг бундан кейинги босқичларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланишига иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш устуворлик касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган бўлиб, унда “хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш” [1] белгилаб берилган.

Кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётида беқиёс ўринга эга бўлгани ҳолда унинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти ҳам диққатга сазовордир.

### **Адабиётлар шарҳи**

Кичик бизнес аҳамияти тўғрисида бир қатор иқтисодчи олимлар ўз қарашларини бериб ўтишган. Жумладан, В.Я.Горфинкел ва В.А.Швандарларнинг “Кичик бизнес” дарслигида кичик тадбиркорлик аҳамияти ҳақида қуйидагича фикрлар келтирилган: “Кичик бизнес ривожини иқтисодиётни соғломлаштириш учун қулай шароит яратади: рақобат ривожлантиради, қўшимча иш ўринлари яратишга ҳисса қўшади, таркибий қайта қуриш жараёнини фаоллаштиради, истеъмол секторини кенгайтиради, товарлар ва хизматлар бозорини тўйинтириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади, маҳаллий хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга имконият яратади” [2].


Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан “кичик бизнес субъектларининг пайдо бўлиши йирик бизнес монополизминини тугатишга имкон беради, истеъмол бозорини шакллантиради, эркин рақобат муҳитини яратади, инфратузилма объектларини ривожлантиришни тезлаштиради” каби фикрлар орқали кичик бизнеснинг аҳамияти асослаб берилган.

Республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, минтақавий ва тармоқ муаммолари С.Ғуломов, М.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, Ё.Абдуллаев, М.Қосимова, Т.Дўстжанов, М.Шепелев, З.Худойбердиев, А.Амбарцумян, Қ.Муфтайдинов ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган

Кичик тадбиркорликнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрларни ўрганиб чиқиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, мазкур соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни етарли даражада кенг ва батафсил тадқиқ этилган. Аммо унинг ижтимоий аҳамиятига доир тадқиқотлар кам учрайди. Кўпчилик иқтисодчи олимлар кичик бизнеснинг ижтимоий аҳамиятини ифодаловчи фикрлар билан чекланган. Унинг ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир йўналиши, хусусан, аҳоли табақаланишига таъсири математик ҳисоб-китоблар асосида чуқур тадқиқ этилмаган. Шу муносабат билан кичик тадбиркорлик ривожланишининг ижтимоий табақаланишга таъсирини ўрганиш, ушбу икки кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

## **Услуги ва таҳлиллар**

Республикамизда олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. Кичик бизнес ривожидида иқтисодий тараққиётнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши юқори бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, кичик бизнесда хизматлар соҳаси ва саноат ишлаб чиқаришнинг улуши ортиб бормоқда. 1-расмда 2000-2016-йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши келтирилган.



### **1-расм. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши**

*Манба: Муаллифлар томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди*

Кичик бизнес ривожланишининг аҳоли табақаланишини юмшатишдаги аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

Биринчидан, кичик бизнеснинг ривожланиши натижасида мамлакатда яратилган миллий даромаднинг кам сонли энг юқори қатламдаги (ушбу ўринда ва бундан кейинги жумлаларда “қатлам” термини шартли равишда қўлланилган) мулкдор ва тадбиркорлар қўлида тўпланиб қолишининг олди олинади. Кичик тадбиркорлик субъектлари йирик компанияларга нисбатан кичикроқ капиталга эга бўлгани учун бойликнинг асосий қисми кўп сонли ўрта мулкдорлар ўртасида тақсимланишига эришилади. Ўрта мулкдорлар синфининг кўпайиши аҳолининг кескин табақаланишини юмшатишга бевосита таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, кичик бизнес бандликни таъминлаш борасида катта имкониятларга эга. Кичик тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш катта капитал ва узоқ вақт талаб қилмайди. Шу хусусияти билан ишсизлик муаммосини қисқа фурсатда ва кўп харажатларсиз бартараф қилиш имконини беради. Хусусан, таркибий ўзгаришлар жараёнида келиб чиқадиган структуравий ишсизлик улушунини камайтиришда кичик бизнеснинг, айниқса, аҳамияти каттадир. Чунки кичик корхоналарнинг асосий қисми махсус малака талаб қилмайдиган соҳаларда фаолият юритади. Бу эса маълум тармоқлардан бўшаган ишсизларга тезда кичик бизнес корхоналарида иш топишга имконият

яратади. Ишсизликнинг қисқариши мамалакатда ўзини ва оиласини таъминлаш учун етарли даромадга эга бўлган аҳоли салмоғини оширган ҳолда қуйи қатлам улушини қисқартиради.

Учинчидан, кичик бизнес соҳасида, хусусан, оилавий тадбиркорлик корхоналарида иқтисодий фаол аҳоли таркибига кирмайдиган пенсионерлар, ногиронлар, талаба ва ўқувчи ёшларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш имконияти мавжуд. Оилавий тадбиркорликнинг оммавий тарзда ривожланиши натижасида қуйи қатламнинг асосий қисмини ташкил қилувчи пенсионерлар ва меҳнатга лаёқатсизларнинг салмоқли қисми даромадли иш билан таъминланади. Бу эса улар эга бўладиган даромад ҳажмини ўрта қатлам даромади ҳажмига яқинлаштиради ҳамда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги кескин тафовутнинг йўқолишига олиб келади.

Ушбу олинган мантиқий хулосаларнинг ўринли эканлигини математик ҳисоб-китоблар ёрдамида асослаш мумкин. Бунинг учун корреляцион-регрессион таҳлил асосида кичик бизнес ривожланиши ва аҳоли табақаланиши ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш лозим. Таҳлилни амалга ошириш учун кичик бизнес ривожланиши кўрсаткичи сифатида кичик бизнес субъектлари сони, аҳоли табақаланиши кўрсаткичи сифатида эса Жини коэффициенти олинди.

#### 1-жадвал

#### Кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффициенти кўрсаткичлари\*

Йиллар	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Кичик бизнес субъектлари сони, бирликда (деҳкон ва фермер хўжаликларида ташқари)	97911	99780	100751	112260	129211	135561	152246	164052	177876	177551	189867	196014	207104
Жини коэффициенти	0,393	0,393	0,390	0,318	0,325	0,295	0,295	0,289	0,289	0,288	0,280	0,274	0,264

*Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди*

Маълумки, Жини коэффициенти аҳоли табақаланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, у 0-1 оралиғида ўзгаради. Кўрсаткичнинг 1 га яқинлашиши бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг кучайишини, 0 га яқинлашиши эса аҳоли табақаланиш даражасининг пасайишини ифодалайди.

1-жадвалда юқоридаги икки кўрсаткичнинг корреляцион-регрессион таҳлилин асосида амалга ошириш учун 2004-2016 йилларда кичик бизнес субъектлари сони ва Жини коэффициенти миқдорлари келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларини диққат билан кўриб чиқилса, кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффициенти ўртасида тесқари боғланиш мавжуд эканлигини пайқаш мумкин. Яъни 2004-2016 йиллар давомида кичик бизнес субъектлари сони ошиб бориши билан Жини коэффициенти кўрсаткичи пасайиб борган.

Таҳлил қилишда юқоридаги жадвал маълумотларидан тўғридан-тўғри фойдалана олмаймиз. Чунки берилган икки кўрсаткичлар ўртасида фарқ жуда катта бўлиб, таҳлил жараёнида нотўғри натижаларни келтириб чиқаради. Бу

муаммони кўрсаткичларни 10 асосга кўра логарифмлаш орқали ҳал қиламиз. Натижада бу икки тур кўрсаткич миқдорий жиҳатдан бир-бирига яқинлашади. Кичик корхоналар сонини  $x$  билан, Жини коэффиценти миқдорларини  $y_x$  билан белгилаб,  $lgx$  ва  $lgy$  ларни топамиз:

**2-жадвал**

**Кичик корхоналар сони ҳамда Жини коэффиценти кўрсаткичларининг 10 асосга кўра логарифмлари**

$lgx$ ( $x$ -кичик корхоналар сони)	$lgy$ ( $y$ -Жини коэффиценти миқдорлари)
4,990831	-0,405607
4,999043	-0,405607
5,003249	-0,408935
5,050225	-0,497573
5,111299	-0,488117
5,132135	-0,530178
5,182546	-0,530178
5,214982	-0,539102
5,250117	-0,539102
5,249323	-0,540608
5,278449	-0,552842
5,292287	-0,562249
5,316188	-0,578396

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

Жини коэффицентини ифодаловчи  $y$  ларнинг 10 асосга кўра логарифмлари манфий сонлардан иборат. Бу эса таҳлилни амалга ошириш учун ҳалақит беради. Чунки корреляцион-регрессион таҳлил фақат мусбат миқдорлар устида ўтказилади. Манфий миқдорларни мусбатга айлантириш мақсадида ушбу кўрсаткичларни икки ўлчамли координаталар системасида нуқталарнинг координаталари сифатида фараз қилиб, бу нуқталарни  $(1; 1)$  вектор бўйича параллел кўчираемиз. Бу кўчириш натижасида нуқталарнинг координаталари бир хил йўналишга ва бир хил узунликка силжигани учун кўрсаткичлар ўртасидаги нисбатлар ўзгармайди. Кўчириш натижаларини 3-жадвалда акс эттирамиз.

Логарифмлаш ва параллел кўчириш натижасида олинган кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффицентининг ҳосилавий шартли кўрсаткичлари таҳлилни амалга ошириш учун имконият беради. Энди таҳлилни бошлашимиз мумкин.

**3-жадвал**

**Кичик корхоналар сони ҳамда Жини коэффиценти кўрсаткичларининг 10 асосга кўра логарифмларини  $(1; 1)$  вектор бўйича параллел кўчириш натижасида олинган миқдорлар**

$lgx+1$	$lgy_x + 1$
5,990831	0,594393
5,999043	0,594393
6,003249	0,591065
6,050225	0,502427
6,111299	0,511883
6,132135	0,469822


6,182546	0,469822
6,214982	0,460898
6,250117	0,460898
6,249323	0,459392
6,278449	0,447158
6,292287	0,437751
6,316188	0,421604

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

Тенгламада омил белги, яъни эркин ўзгарувчи ( $x_i$ ) сифатида кичик бизнес субъектлари сонининг шартли кўрсаткичи бўлган  $lgx+1$  миқдорларни, натижавий белги ( $y_i$ ) сифатида эса Жини коэффициентининг шартли кўрсаткичи –  $lgy+1$  миқдорларни оламиз. Чунки бизнинг таҳлилимизда кичик бизнес субъектлари сони аҳоли табақаланишига таъсир қилувчи омил сифатида қаралмоқда.

Дастлаб, жуфтлик регрессия тенгламасини тузамиз (таҳлилимизда икки хил кўрсаткичлар олингани сабабли жуфтлик регрессия тенгламасини тузиш талаб қилинади). Регрессия тенгламасининг кўринишини аниқлаш учун жадвалда берилган икки кўрсаткични Декарт координаталар системасида нуқталар сифатида жойлаштирамиз. Қуйидаги расмда координаталар системасининг  $x$  ўқида  $lgx+1$  миқдорлар,  $y$  ўқида эса  $lgy+1$  миқдорлар олиниб, ҳар бир  $(x_i; y_i)$  лар жуфти орқали ифодаланувчи нуқталар белгиланган (2-расм).

Нуқталарнинг координаталар системасидаги вазиятига эътибор қиладиган бўлсак, улар тўғри чизиққа ўхшаш ҳолатда жойлашганлигини кўрамиз. Демак ушбу икки кўрсаткич ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи регрессия тенгламаси чизиқли функция кўринишида, яъни  $\bar{y}_x = bx + a$  шаклда бўлади.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

**2-расм. Кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффиенти кўрсаткичларини ифодаловчи шартли  $I_{gx+1}$  ва  $I_{gy+1}$  миқдорларнинг икки ўлчовли координаталар системасида нуқталар сифатида акс эттирилиши**

Кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффиенти кўрсаткичлари ўртасидаги боғланиш зичлигини англатувчи корреляция коэффиентини аниқлаш, регрессия тенгламасининг  $a$  ва  $b$  коэффицентларини топишда ҳамда таҳлилнинг кейинги босқичларида ҳисоблашларни амалга оширишда қулай бўлиши учун қуйидаги 4-жадвални тузиб оламиз.

**4-жадвал**

**Таҳлилни амалга ошириш учун зарур бўладиган  $\bar{x}$ ,  $\bar{y}$ ,  $\overline{x*y}$ ,  $\overline{x^2}$ ,  $\overline{y^2}$  миқдорлар**

т/р	x	y	x*y	x <sup>2</sup>	y <sup>2</sup>
1	5,990831	0,594393	3,560906	35,890062	0,353303
2	5,999043	0,594393	3,565787	35,988523	0,353303
3	6,003249	0,591065	3,548308	36,039003	0,349357
4	6,050225	0,502427	3,039797	36,605223	0,252433
5	6,111299	0,511883	3,128273	37,347981	0,262025
6	6,132135	0,469822	2,881012	37,603077	0,220733
7	6,182546	0,469822	2,904696	38,223874	0,220733
8	6,214982	0,460898	2,864472	38,625995	0,212427
9	6,250117	0,460898	2,880666	39,063967	0,212427
10	6,249323	0,459392	2,870892	39,054039	0,211041
11	6,278449	0,447158	2,807459	39,418928	0,199950
12	6,292287	0,437751	2,754452	39,592877	0,191626
13	6,316188	0,421604	2,662930	39,894237	0,177750
<b>Жами</b>	<b>80,070677</b>	<b>6,421505</b>	<b>39,469649</b>	<b>493,347786</b>	<b>3,217106</b>
<b>Ўртача</b>	<b>6,159283</b>	<b>0,493962</b>	<b>3,036127</b>	<b>37,949830</b>	<b>0,247470</b>

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

Энди 4-жадвал маълумотлари асосида кўрсаткичлар ўртасидаги боғланиш зичлигини англатувчи корреляция коэффиентини аниқлаймиз. Бунинг учун дастлаб  $x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг дисперсияларини ва ўртача квадратик миқдорларини топамиз:

$$\sigma_x^2 = \overline{x^2} - \bar{x}^2 = 0,013065 \quad (1) \quad \sigma_x = \sqrt{0,013065} = 0,114302 \quad (2)$$

$$\sigma_y^2 = \overline{y^2} - \bar{y}^2 = 0,003471 \quad (3) \quad \sigma_y = \sqrt{0,003471} = 0,058918 \quad (4)$$

$$\text{Корреляция коэффиенти: } r_{xy} = \frac{\overline{x*y} - \bar{x}\bar{y}}{\sigma_x\sigma_y} = -0,9391 \quad (5)$$



Бу ерда:

$\bar{x}$  -  $x_i$  миқдорларнинг ўрта арифметиги;

$\bar{y}$  -  $y_i$  миқдорларнинг ўрта арифметиги;

$\overline{x * y}$  -  $x_i * y_i$  сонларнинг ўрта арифметиги;

$\overline{x^2}$  -  $x_i$  сонларнинг ўрта квадратик миқдори.

Статистика курсидан маълумки, чизиқли регрессия тенгламасининг  $a$  ва  $b$  коэффициентлари қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади:

$$b = \frac{\overline{x*y} - \bar{x}*\bar{y}}{\overline{x^2} - \bar{x}^2}, \quad (6) \quad a = \bar{y}_x - bx \quad (7)$$

Жадвал маълумотлари асосида регрессия тенгламасининг коэффициентларини топамиз:

$$b = \frac{\overline{x*y} - \bar{x}*\bar{y}}{\overline{x^2} - \bar{x}^2} = -0,484068 \quad a = \bar{y}_x - bx = 3,475476$$

Демак, регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\bar{y}_x = 3,475476 - 0,484068 x.$$

Корреляция коэффициенти  $x$  ва  $y$  миқдорлар ўртасида, айти вақтда кичик бизнес субъектлари сони ҳамда Жини коэффициенти кўрсаткичлари ўртасида жуда кучли тесқари боғланиш борлигини кўрсатади.

Таҳлил натижаларининг ишончилиги қурилган моделнинг сифатига боғлиқ. Маълумки, модель сифатини баҳолашда аппроксимациянинг ўртача хатолиги кўрсаткичидан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткич ёрдамида таҳлил жараёнида қурилган моделнинг сифатини баҳолаймиз. Аппроксимациянинг нисбий хатолиги

$$\bar{A} = \frac{1}{n} \sum_{i=0}^n \left| \frac{y_i - y_{x_i}}{y_i} \right| * 100\% \quad (8)$$

формула билан ҳисобланади. Формуладаги миқдорларни топиш учун қуйидаги 5-жадвални тузиб оламиз:

#### 5-жадвал

Аппроксимациянинг нисбий хатолигини ҳисоблашда фойдаланиладиган миқдорлар

т/р	у	х	$y_x=3,475476-0,484068x$	$y-y_x$	$A_i = \left  \frac{y_i - y_{x_i}}{y_i} \right  * 100\%$
1	0,594393	5,990831	0,575506	0,018887	3,1774568
2	0,594393	5,999043	0,571531	0,022862	3,8462342
3	0,591065	6,003249	0,569495	0,021570	3,6493003
4	0,502427	6,050225	0,546756	-0,044329	8,8229105
5	0,511883	6,111299	0,517192	-0,005309	1,0370955

6	0,469822	6,132135	0,507106	-0,037284	7,9357022
7	0,469822	6,182546	0,482703	-0,012881	2,7417454
8	0,460898	6,214982	0,467002	-0,006104	1,3243913
9	0,460898	6,250117	0,449994	0,010904	2,3657373
10	0,459392	6,249323	0,450379	0,009013	1,9620032
11	0,447158	6,278449	0,436280	0,010878	2,4327532
12	0,437751	6,292287	0,429581	0,008170	1,8663084
13	0,421604	6,316188	0,418012	0,003592	0,8521012
Жами	-	-	-	-	42,0137396

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди

$$\bar{A} = \frac{1}{13} \sum_{i=1}^{13} A_i = \frac{42,0137396}{13} = 3,23\%$$

Маълумки, аппроксимациянинг нисбий хатолиги 8%-10%дан ошмаса, модель сифатли қурилган деб қабул қилинади. Бизнинг таҳлилимизда ушбу шарт бажарилганлиги учун қурилган моделнинг сифати яхши деб баҳоланади ( $\bar{A} = 3,23\% < 8\%$ ).

Қурилган моделнинг сифатлилиги ва ушбу моделнинг асосини ташкил этган регрессия тенгламасининг маънодорлиги таҳлил натижаларидан ишончли хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Шундай қилиб, кичик бизнес субъектлари сони ва Жини коэффиценти ўртасида кучли тўғри чизиқли боғланиш мавжуд. Мазкур боғланиш тесқари тартибда бўлиб, кичик бизнес субъектлари сони ортиши билан Жини коэффиценти камаёди. Яъни кичик бизнес ривожланган сайин мамлакат аҳолисининг табақаланиш даражаси пасайиб боради. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, кичик тадбиркорлик бозор иқтисодиёти феномени сифатида нафақат иқтисодий тараққиётнинг асосий омили, балки ижтимоий барқарорликни таъминловчи энг муҳим дастаклардан бири ҳисобланади. Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш орқали бир вақтнинг ўзида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги бир нечта долзарб муаммоларни ҳал қилиш имконияти туғилади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чора тадбирларини янада кенгайтириш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун максимал даражада шароит яратиш келгусида ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини сақлаб турувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида /Расмий нашр/Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – 91-б.

2. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: учеб. Пособие. Под ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – С. 7.

3. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik: O’quv qo’llanma/ E.I.Ergashev, M.E.Jabborov va boshqalar, – T.: Iqtisod-Moliya, 2018, 11-b.

4. Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Эконометрика. Начальный курс: Учеб.- 6-е изд., перераб. и доп. – М.:Дело, 2004. – 559 с.

[www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси сайти).